
Туман ҳокимининг ўринбосари тайинланди

2019 йилдан буён Бағдод тумани ҳокимлигининг Инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи ўринбосари лазовимида ишлаб келган Камолдинов Шерхон Нўъмонжон ўғли Бағдод тумани ҳокимининг ўринбосари - Инвестиция, саноат ва савдо бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

Ш.Камолдинов 1990 йилда Бағдод туманида туғилган. Маълумоти олий - 2011 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги - менежмент.

У иш фаолиятини 2011 йилда Бағдод туманидаги иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқитувчиликдан бошлаган. 2017-2018 йиллар мобайнида АТ "Халқ банки"нинг Бувайда тумани филиалида, 2018-2019 йилларда эса Бағдод тумани ҳокимлигининг Инвестиция бўлими бош мутахассиси сифатида ишлаган.

Ш.Камолдинов - оилали, 3 нафар фарзанди бор.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-01 09:59:03